

Энг катта фитна бўлмиш Масийх Дажжолнинг сифатлари (биринчи мақола)



11:29 / 22.12.2024 2752

يَفْ مَّ لَسَوَّ هَيْ لَعُ هَل لَ ا لَّ ص لُ وُسَرَمَ ا ق : لَ ا قُ هُ نَعُ هَل لَ ا يَضَرَّ هَل لَ ا رَمُ ع رَ نَب لَ نَع
ا م وُ ه و م كُر دُن ا لَ ي ن ي ن ا « : لَ ا ق ف , لَ ا ج د ل ا ر ك ذ م ث ه ل ه ا و ه ا م ب ه ل ل ا ي ل ع ي ن ث ا ف س ا ن ل ل ا
ء ه م و ق ل ي ب ن ه ل ق ي م ل ا ل و ق ه ي ف م ك ل ل و ق ا س ي ن ك ل و , ه م و ق ر د ن ا د ق و ا ل ي ب ن ن م
» ر و ع ا ب س ي ل ه ل ل ا ن و , ر و ع ا ه ن ا .

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ алайҳиссалом одамлар орасида туриб, Аллоҳга лойиқ ҳамду сано айтдилар, сўнг Дажжол ҳақида сўзлаб, шундай дедилар: **«Мен сизларни ундан огоҳлантираман! Ҳар бир набий ҳам ўз қавмини ундан огоҳлантирган. Лекин мен сизларга у ҳақда ҳеч бир набий ўз қавмига айтмаган гапни айтаман: унинг бир кўзи йўқ, Аллоҳ эса**

ундай эмас!»

دَقْوِ الْيَبَّيْنِ مَنْ أَمَّ: لَأَقَمَّ لَسَوْوَهُ يَلْعَهُ لَلِ الْيَصْرَ لُؤَسَرَّ نَأْ هُنَّ عُهُ لَلِ يَضْرَهُ سَنَنْ أَع
هَيْنَيْ عَنِّي بَبُؤْتِكُمْ رَوْعَ أَبَسَيْ لِمُكْبَرَّ نِوُؤَعَا هُنَّ أَوِ الْبَادِكُ لِرَوْعِ الْهَاتِّ مَأْرَدُنْ
هُعَبْرَالِ أَمْ هَأْوَر. «مَلْسُ مَلِكُهُ وَرَقِي رِفَاكِي» «ر ف ك»

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: **«Қайси бир набий бўлмасин, албатта, умматини бир кўзи йўқ каззобдан огоҳлантирган. Билиб қўйингларки, унинг бир кўзи йўқ! Роббингиз эса ундай эмас! Дажжолнинг икки кўзи орасига «ка», «фа» «ро», яъни «кофир» деб ёзилган. Уни ҳар бир мусулмон ўқийди».**

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аллоҳ таоло одамларни синаш учун Дажжолга турли имкониятлар бериб қўяди. Жумладан, Аллоҳ таолонинг изни ила у ўликни тирилтириш, ёмғир ёғдириш, ерни ҳосилдор қилиш ва шунга ўхшаш ишларга имкон топади. Сўнгра ўзидан кетиб, худолик даъвосини қилади. Шунда Аллоҳ таоло унинг ожизлик тарафларини зоҳир қилиб қўйгани иш беради. Унинг бир кўзи йўқлиги, пешонасига «кофир» деб ёзиб қўйилгани, Дажжол бу нарсаларни ўзидан кетказа олмаслиги уни фош қилади.

لَأَقَمَّ لَسَوْوَهُ يَلْعَهُ لَلِ الْيَصْرَ لُؤَسَرَّ نَأْ هُنَّ عُهُ لَلِ يَضْرَهُ لَرْمَعُنْ بِنَاعٍ
وَأُفُطْنَيْ رَعَّ شَلْ طَبَّ سُمْدًا لُجْرَ إِذْ إِفَّةَ بَعْدَ كِلَابُ فُؤَطَأِ يَنْتِي أَرْمِئَانِ أَنْ أَنْ يَبَّ
مُيَسَّجُ لُجْرَ إِذْ إِفُتْ لَأَتْ بَهْدَمْ مَيْرَمُ نَبَا: أَوْلَاقُ؟ أَدَهْ نَمُ: تُلُقْ عَامُ هُسْرُ أَرْقُ أَرْهِي
سَأَنْ لَلِ بَرْقُ أَلْجَدَلِ أَدَهْ: أَوْلَاقُ هِيَ فِطْرَةُ بَنَعُهُ هُنَّ عُهُ نَأْ كُنَّ يَغْلُ رَوْعُ لَسْرَالِ دَعَجُ رَمَحُ
نَأْ خِيَّ شَلْ هَأْوَر. عَةَ أَرْخُ نَمُ لُجْرَ نَطْقُ نَبَاو، «نَطْقُ نَبَاوَةَ شَبَّ»

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Тушимда Каъбани тавоф қилаётган эмишман. Сочлари яхшилаб таралган буғдойранг кишини кўрдим. Қарасам, сочларидан сув томиб турибди. «Бу ким?» десам, «Бу - Масийҳ ибн Марям», дейишди. Сўнгра бошқа ёққа қараб, бир барваста кимсага дуч келдим. Сочи қизил, жингалак, бир кўзи йўқ, бири эса худди бўртиб турган узум донасига ўхшайди. Бу - Дажжол, унга энг ўхшайдиган одам эса хузоъалик Ибн Қатандир».**

Икки шайх ривоят қилганлар.

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Мен Дажжолда нималар бўлишини унинг ўзидан ҳам яхши биламан. Унинг иккита оқиб турган анҳори бўлади, бири кўзга кўриниб турган оқ сув, бири - кўзга кўриниб турган алангали олов бўлади. Кимдир унга етишса, ўзига олов бўлиб кўринган анҳорга шўнғисин. Сўнгра бошини эгиб, ундан ичсин, чунки ўша совуқ сув бўлади. Дажжолнинг кўзи текис, устини қалин эт қоплаган. Унинг икки кўзи орасига «кофир» деб ёзилган бўлиб, ёзишни билгану билмаган ҳар бир мўмин уни ўқий олади».**

Шарҳ: Дажжолнинг чап кўзи қалин эт билан қопланган бўлиб, теп-текис ҳолда бўлади. Шунинг учун у «масийҳ» - текисланган деб ҳам аталади.

أَرَانُ وَءَامُ عَمَّ نَأُوْجُحِّي لَأَجْدَلَانِ: لَأَقَمَّ لَسَوَّهَيْ لَعُ لَلِ لَأَصَّي بَّن لَلِ نَعْنُ عُو
بَدَعُ دِرَابُ ءَامُ فِ أَرَانُ سَان لَأَهَارِي يَدَّلَا أَمَّ أَوْ قُحُتُ رَانَ فِ ءَامُ سَان لَأَهَارِي يَدَّلَا أَمَّ أَوْ
أَمُّ هَاوْرُ. «بِّي طَبَّ بَدَعُ ءَامُ هُنَّ فِ أَرَانُ هَارِي يَدَّلَا يَفِ عَقِي لَفِ مَكُنْمَ كَلَدَكَ رَدَّأَنْ مَفِ
ةَثَالثَا

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Дажжол чиққанда унинг суви ва олови бўлади. Одамларга сув бўлиб кўринган нарса - куйдирувчи оловдир. Одамларга олов бўлиб кўринадиган нарса - муздек, ширин сувдир. Қай бирингиз бунга дуч келса, ўзига олов бўлиб кўринган нарсага тушсин, ўша ширин, пок сув бўлади».**

Иккисини уحوвлари ривоят қилганлар.

(Давоми бор)

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан